# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 23 июнь, № 127 (7085) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИК ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА ШИФОХОНА ИЧКИ ИНФЕКЦИЯЛАРИНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида аҳолининг соғлиғини сақлаш, шу жумладан, одамнинг иммунитет танқислиги вируси (кейинги ўринларда ОИВ-инфекцияси деб юритилади) келтириб чиқарадиган касаллик профилактикаси, диагностикаси ва уни даволаш соҳасида ижобий натижаларга эришилди. Мазкур йўналишда комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши эпидемик вазиятнинг барқарорлашишига кўмаклашди.

Шу билан бирга, ўрганишлар ОИВ-инфекцияси тарқалишига самарали қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилишга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда, хусусан:

**биринчидан,** шифохона ички инфекциялари билан касалланиш пасайганлигига қарамай, даволаш-профилактика муассасаларида қон орқали юқадиган инфекцияларнинг профилактикасида камчиликлар мавжуд;

**иккинчидан,** даволаш-профилактика муассасаларини, айниқса, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини тиббий асбоблар ва сарфлаш материаллари билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш борасида зарур чоралар кўрилмаяпти;

**учинчидан,** жойларда, айниқса, узоқ туманларда тиббиёт муассасаларини электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлашда муаммолар сақланиб қолмоқда, бу эса тиббий асбобларни стерилизация қилиш сифатига ва амалга ошириладиган даволаш-профилактика муолажаларининг хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

**тўртинчидан,** даволаш-профилактика муассасалари стерилизация бўлинмаларининг зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланганлик даражаси талабга жавоб бермайди, стерилизация тадбирларини ташкил этиш услубларига замонавий ёндашув мавжуд эмас;

**бешинчидан,** республика минтақаларида ОИВни юқтириб олган шахслар стационар даволаш билан етарли даражада қамраб олинмасдан қолмоқда, ОИТСга қарши курашиш минтақавий марказлари ва ОИВ-инфекцияси диагностикаси бўйича туманлараро лабораторияларнинг заиф моддий-техника базаси амалга оширилаётган ишлар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

***2018 йил 22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 28 июнь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини тубдан оширишга, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурини изчил ижро этишга, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган масалалар киритилмоқда. "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги (янги таҳрир), "Медиация тўғрисида"ги, "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги (янги таҳрир), "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ялпи мажлисда сенаторлар халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларини ҳам кўриб чиқадилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2017 йилдаги фаолияти, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг фаолияти, ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасидаги фаолияти ҳақидаги ахборотни эшитадилар. Ялпи мажлисда Андижон вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи ҳам эшитилади.

Сенат аъзолари сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳамда ёшларнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига парламент сўровлари юбориш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қиладилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва девонининг ўн бешинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Сенат Кенгаши ўз ваколатига доир бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

# ОНА ЗАМИН САХОВАТИ

деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига етиштирилган турфа ноз-неъматлар баракасида акс этиб турибди

*Юртимизда айни пишиқчилик. Қуёш тафтидан тўйинган боғ неъматларига нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам харидор кўп. Сабаби, улар ҳеч қандай кимёвий ишловларсиз етиштириладида!*





Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

**Боғдорчилик**

Дунё бўйича аҳолини хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида жиддий музокаралар олиб борилаётган ҳозирги даврда бу жуда муҳим. Бинобарин, кейинги пайтларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг устувор тармоқларидан бири ҳисобланган боғдорчиликни ривожлантиришда айни шу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу эса, аввало, ички бозорни дармондориларга бой мевалар билан тўлдириш, қолаверса, экспорт қилиш имконини оширмоқда. Бундан, табиийки, боғбонларимиз ҳам катта манфаат кўришяпти.

Ҳозир боғларда иш қизғин. Мисол учун, Андижон вилоятининг боғдорчиликка ихтисослаштирилган Асака тумани боғбонлари кечагина гилосни терган бўлсалар, бугун ўрик ҳосилини йиғиб олишмоқда. Бозорларни сархил мевалар билан тўлдираётган ишчиларнинг қувончи чексиз. Қолаверса, хориждан ҳам харидор кам эмас.

(Давоми 2-бетда).

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИГА МУРОЖААТЛАР СОНИ ИККИ МИЛЛИОНДАН ОШДИ

Жорий йилнинг 22 июнь ҳолатига кўра, pm.gov.uz порталига келиб тушган мурожаатларнинг 97 фоизи кўриб чиқилган.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз ҳаётида мутлақо ноёб институт — Виртуал қабулхона давлатимиз раҳбари ташаббусига биноан 2016 йилда ташкил этилган эди. Ўшандан буён у халқ ва давлат ўртасида ишончли мулоқот ўрнатишда муҳим ўрин тутиб келяпти. Ушбу хайрли иш туфайли фуқароларнинг кўплаб муаммолари ўз ечимини топди. Эртанги кунга бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда. Одамлар тилдан-тилга кўчиб юрган мазкур ташаббусдан нақадар мамнунликларини билдиришга ошиққанлари айни ҳақиқат.

Эзгу ва халқчил ғоя Президентимиз Фармонига биноан туман, шаҳар ва минтақаларда очилган Халқ қабулхоналарида мунтазамлик ва янада самарали мақом касб этди.

Виртуал қабулхона кундан-кун такомиллашиб, одамлар ҳаётига тобора кириб бормоқда. Жорий йил февраль ойидан бошлаб янги версияси ишга туширилди. Эндиликда янгиланган портал орқали бевосита вазирликлар ва ташкилотлар раҳбарларига мурожаат қилиш, онлайн-маслаҳат ҳамда бошқа хизматлардан фойдаланиш мумкин.

**Р. АЛИШЕРОВ тайёрлади.**




**Ифтихор**

## Равшан Ирматов футбол тарихида мисли кўрилмаган рекорд ўрнатмоқда

**Осиёнинг беш карра энг яхши ҳаками Равшан Ирматовга ишонч билдирилиб, у мундиалнинг муҳим учрашувларидан бирига тайинланган эди.**



*Ҳамюртимиз куни кеча Аргентина — Хорватия ўртасидаги муросасиз курашлар остида кечган ва Европа қитъаси вакилининг йирик ҳисобдаги ғалабаси билан якунланган 2-тур ўйинини бошқарди. Қувонарлиси, у мазкур иштироки орқали Жаҳон чемпионати ўйинларида яна бир рекорд ўрнатди. Яъни 2010 ва 2014 йиллардаги Жаҳон чемпионатида тўққизта, Россиядаги мундиалда ҳозирча битта, жами 10 та учрашувни бошқариб, футбол тарихига кирди. Бундан илгари, "ЖАР — 2010"да Ирматов 1934 йилдан буён сақланиб турган Жаҳон чемпионатлари доирасида қатнашган энг ёш ҳакамлар орасидаги натижани янгилаган эди.*

(Давоми 4-бетда).

**Эксперт фикри**

## Ўзбек замини Дубай ёки Истанбулдек туризм марказига айланиши шубҳасиз

*Ушбу фикр сармоявий банкир, Бирлашган Араб Амирликларининг "Cyal Advisors DWC" консалтинг компанияси асосчиси ва бошқарувчиси Николас Ғилонийга тегишлидир. Тадбиркор яқинда юртимизда бўлиб, таассуротлари ҳамда капитал киритиш бўйича истиқболли йўналишлар ҳақидаги фикрларини ўз сайтида ўртоқлашди.*

"Журналист дўстимнинг тавсиясига кўра, Ўзбекистонга отландим. Танишим бу давлатда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида жадал ўзгаришлар кечаётгани ҳақида кўп гапирар эди, — деб ёзади муаллиф. — 32 миллион аҳолига эга Ўзбекистон нуфус жиҳатидан Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи ўринда туради. Тошкентни илк кўрганимда, ҳайратланишдан бошқа чорам қолмади".

Замонавий Ўзбекистон кўҳна ҳамда навқирон маданият ўчоғи экан. Бу ерда турли миллат ва элатлар вакиллари, жумладан, арманлар, руслар, форслар, яҳудийлар, корейслар, татарлар ўзаро аҳилликда яшайди. Ўлка табиати шундайки, Аризона ёки Нью-мексикаликлар *(АҚШдаги штатлар — таҳририят изоҳи)* Ўзбекистонда ўзини худди юртидагидек ҳис қилишади. "Тўрт фасл ҳамда қулай иқлим ўзбек заминига хос!"

(Давоми 2-бетда).

**Қисқа сатрларда**

● Навоий вилоятининг Учқудуқ туманидаги "Жаман каскир", "Айтим", "Сариктау" ва "Акташ" конлари хитойлик инвесторларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Қизилқум саҳросида бирюза, гранит ҳамда бошқа қимматбаҳо тошларнинг катта ҳажмдаги захираси мавжудлиги уларни бу ерга сармоя киритишга ундаяпти.

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йил 12 апрель куни имзоланган "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорлар учун катта қулайлик яратди. Энди улар божхона юк декларацияларини ўз офисларидан чиқмасдан туриб, интернет ёрдамида мустақил равишда тўлдирган ҳолда, божхона органларига тақдим эта оладилар.**

● Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга асосан, битта ташқи савдо шартномаси доирасида четдан келтирилган маҳсулотга бир календарь йилидан ошмаган муддатга мувофиқлик сертификати бериш тартиби жорий қилинди. Бу ташқи бозор билан ишлайдиган тадбиркорлар учун енгиллик ҳисобланади.

● **Чирчиқ шаҳридаги давлат хизматлари марказида амалдаги ҳайдовчилик гувоҳномаларини янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасига алмаштириб бериш хизмати фаолияти йўлга қўйилди.**

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

# ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги «2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорига биноан, 2018/2019 ўқув йили учун қуйидаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга таклиф этади.**

## Университетнинг 2018/2019 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш юзасидан қабул кўрсаткичларининг таълим йўналишлари ва ўқитиш тиллари бўйича тақсимланиши

| № | Шифр | Таълим йўналишлари | Жами | Давлат гранти асосида | | | Тўлов-контракт асосида | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Жами | шу жумладан: | | Жами | шу жумладан: | |
| | | | | | ўзбек | рус | | ўзбек | рус |
| | | Тошкент давлат техника университети бўйича жами, шу жумладан, таълим йўналишлари бўйича | 2565 | 610 | 425 | 185 | 1955 | 1404 | 551 |
| 1. | 5111014 | Касб таълими: ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси | 20 | 5 | 3 | 2 | 15 | 11 | 4 |
| 2. | 5150900 | Дизайн (турлари бўйича) | 20 | 5 | 3 | 2 | 15 | 11 | 4 |
| 3. | 5231900 | Корпоратив бошқарув | 20 | 5 | 3 | 2 | 15 | 11 | 4 |
| 4. | 5310100 | Энергетика (тармоқлар бўйича) | 200 | 40 | 30 | 10 | 160 | 110 | 50 |
| 5. | 5310200 | Электр энергетикаси (тармоқлар ва йўналишлар бўйича) | 175 | 35 | 25 | 10 | 140 | 100 | 40 |
| 6. | 5310300 | Металлургия | 70 | 15 | 10 | 5 | 55 | 40 | 15 |
| 7. | 5310400 | Ҳаво кемаларидан техник фойдаланиш | 20 | 5 | 3 | 2 | 15 | 11 | 4 |
| 8. | 5310500 | Автомобилсозлик ва тракторсозлик | 40 | 10 | 8 | 2 | 30 | 20 | 10 |
| 9. | 5310600 | Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (транспорт турлари бўйича) | 70 | 15 | 10 | 5 | 55 | 40 | 15 |
| 10. | 5310700 | Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари (тармоқлар бўйича) | 150 | 50 | 35 | 15 | 100 | 70 | 30 |
| 11. | 5310800 | Электроника ва асбобсозлик (тармоқлар бўйича) | 120 | 40 | 30 | 10 | 80 | 60 | 20 |
| 12. | 5310900 | Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича) | 50 | 15 | 10 | 5 | 35 | 25 | 10 |
| 13. | 5311000 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича) | 120 | 40 | 30 | 10 | 80 | 60 | 20 |
| 14. | 5311500 | Геодезия, картография ва кадастр (функциялари бўйича) | 50 | 10 | 7 | 3 | 40 | 28 | 12 |
| 15. | 5311600 | Кончилик иши (фаолият турлари бўйича) | 100 | 30 | 20 | 10 | 70 | 50 | 20 |
| 16. | 5311700 | Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича) | 150 | 20 | 15 | 5 | 130 | 90 | 40 |
| 17. | 5311800 | Гидрогеология ва муҳандислик геологияси | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 18. | 5311900 | Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 19. | 5312000 | Нефть-газни қайта ишлаш саноати объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 20. | 5312100 | Энергоаудит ва саноат корхоналарининг энергетик текшируви | 20 | 5 | 3 | 2 | 15 | 11 | 4 |
| 21. | 5312200 | Кончилик электр механикаси | 40 | 10 | 8 | 2 | 30 | 20 | 10 |
| 22. | 5312300 | Маркшейдерлик иши | 40 | 10 | 8 | 2 | 30 | 20 | 10 |
| 23. | 5312400 | Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 24. | 5312500 | Энергия машинасозлиги (тармоқлар бўйича) | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 25. | 5312600 | Мехатроника ва робототехника | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 26. | 5312700 | Интеллектуал муҳандислик тизимлари | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 27. | 5312800 | Қуймакорлик технологиялари | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 28. | 5312900 | Лазер технологиялари ва оптоэлектроника | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 29. | 5313000 | Биотиббиёт муҳандислиги | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 30. | 5313300 | Геология-разведка ишларининг техникаси ва технологияси | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 31. | 5320100 | Материалшунослик ва янги материаллар технологияси (тармоқлар бўйича) | 80 | 25 | 17 | 8 | 55 | 40 | 15 |
| 32. | 5320200 | Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш | 100 | 25 | 17 | 8 | 75 | 55 | 20 |
| 33. | 5320300 | Технологик машиналар ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича) | 140 | 30 | 20 | 10 | 110 | 80 | 30 |
| 34. | 5320500 | Биотехнология (тармоқлар бўйича) | 40 | 10 | 8 | 2 | 30 | 20 | 10 |
| 35. | 5321400 | Нефть-газкимё саноати технологияси | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 36. | 5321900 | Электрон аппаратуралар ишлаб чиқариш технологияси | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 37. | 5330200 | Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 40 | 10 | 8 | 2 | 30 | 20 | 10 |
| 38. | 5350700 | Радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар (тармоқлар бўйича) | 40 | 10 | 8 | 2 | 30 | 20 | 10 |
| 39. | 5610100 | Хизматлар соҳаси: автомобиль транспорти | 50 | 10 | 7 | 3 | 40 | 30 | 10 |
| 40. | 5610600 | Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича) | 20 | 5 | 3 | 2 | 15 | 11 | 4 |
| 41. | 5620200 | Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 42. | 5630100 | Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 40 | 5 | 4 | 1 | 35 | 25 | 10 |
| 43. | 5640100 | Ҳаётий фаолият хавфсизлиги | 40 | 10 | 8 | 2 | 30 | 20 | 10 |
| 44. | 5313500 | Ёруғлик техникаси | 50 | 15 | 10 | 5 | 35 | 25 | 10 |
| 45. | 5313800 | Қувур транспорти тизимлари иншоотлари ва уларнинг объектларини таъмирлаш | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 46. | 5313700 | Газ жиҳозларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 47. | 5313600 | Металларга босим билан ишлов бериш машиналари | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |
| 48. | 5322100 | Прокат ишлаб чиқариш технологияси | 25 | 5 | 3 | 2 | 20 | 15 | 5 |

**Ҳужжатлар жорий йилнинг 15 июнидан 15 июлигача қабул қилинади.**

## Университетнинг 2018/2019 ўқув йилида магистрлар тайёрлаш юзасидан қабул кўрсаткичларининг мутахассисликлар ва ўқитиш тиллари бўйича тақсимланиши

| № | Шифр | Мутахассисликлар | Жами | Давлат гранти асосида | | | Тўлов-контракт асосида | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Жами | шу жумладан: | | Жами | шу жумладан: | |
| | | | | | ўзбек | рус | | ўзбек | рус |
| | | Тошкент давлат техника университети бўйича жами, шу жумладан, мутахассисликлар бўйича | 341 | 118 | 73 | 45 | 223 | 140 | 83 |
| 1. | 5A111001 | Касб таълими назарияси ва методикаси (Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси) | 6 | 2 | 1 | 1 | 4 | 3 | 1 |
| 2. | 5A150901 | Дизайн (турлари бўйича) | 6 | 2 | 1 | 1 | 4 | 3 | 1 |
| 3. | 5A310101 | Гидроэлектр станциялар ва қайта тикланувчи энергия манбалари | 6 | 2 | 1 | 1 | 4 | 3 | 1 |
| 4. | 5A310104 | Саноат иссиқлик энергетикаси | 6 | 2 | 1 | 1 | 4 | 3 | 1 |
| 5. | 5A310105 | Иссиқлик техникаси (қўлланиш объекти бўйича) | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 6. | 5A310201 | Электр таъминоти (тармоқлар бўйича) | 8 | 2 | 1 | 1 | 6 | 4 | 2 |
| 7. | 5A310202 | Энергия тежамкорлиги (тармоқлар бўйича) | 6 | 2 | 1 | 1 | 4 | 3 | 1 |
| 8. | 5A310203 | Электр станциялари | 8 | 2 | 1 | 1 | 6 | 4 | 2 |
| 9. | 5A310204 | Электр энергетика тизимлари ва тармоқлари (фаолият турлари бўйича) | 6 | 2 | 1 | 1 | 4 | 3 | 1 |
| 10. | 5A310301 | Металлургия (металл турлари бўйича) | 8 | 2 | 1 | 1 | 6 | 4 | 2 |
| 11. | 5A310302 | Металлургия машиналари ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш тури бўйича) | 4 | 1 | 1 | | 3 | 2 | 1 |
| 12. | 5A310305 | Қора ва рангли металларни прокатли ишлаб чиқариш | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 13. | 5A310403 | Пилотаж-навигация мажмуаларининг авиация электр тизимларидан техник фойдаланиш | 6 | 2 | 1 | 1 | 4 | 3 | 1 |
| 14. | 5A310405 | Ҳаво кемалари ва авиация двигателларидан фойдаланиш | 6 | 2 | 1 | 1 | 4 | 3 | 1 |
| 15. | 5A310501 | Автомобилсозлик ва тракторсозлик | 4 | 2 | 2 | | 2 | 1 | 1 |
| 16. | 5A310601 | Ер усти транспорт воситалари ва тизимлари (транспорт турлари бўйича) | 4 | 2 | 2 | | 2 | 1 | 1 |
| 17. | 5A310604 | Автомобиллар ва автомобиль хўжалиги | 9 | 3 | 2 | 1 | 6 | 4 | 2 |
| 18. | 5A310605 | Ички ёнув двигателларини синаш ва улардан фойдаланиш | 6 | 2 | 1 | 1 | 4 | 3 | 1 |
| 19. | 5A310701 | Электр механикаси (тармоқлар бўйича) | 6 | 2 | 1 | 1 | 4 | 3 | 1 |
| 20. | 5A310702 | Электр изоляцияли ва кабелли техника | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 21. | 5A310704 | Электротехник мажмуалар ва тизимлар (тармоқлар бўйича) | 9 | 4 | 3 | 1 | 5 | 3 | 2 |
| 22. | 5A310801 | Электроника ва электрон техникаси (тармоқлар бўйича) | 6 | 2 | 1 | 1 | 4 | 3 | 1 |
| 23. | 5A310802 | Ўлчаш ва назорат қилиш асбоб-ускуналари ва методлари (турлари бўйича) | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 24. | 5A310804 | Яримўтказгичли материаллар нанотехнологияси | 4 | 1 | 1 | | 3 | 1 | 2 |
| 25. | 5A310805 | Яримўтказгичли фотоэнергетика | 4 | 1 | 1 | | 3 | 1 | 2 |
| 26. | 5A310902 | Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш (тармоқлар бўйича) | 8 | 2 | 1 | 1 | 6 | 4 | 2 |
| 27. | 5A311001 | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича) | 10 | 2 | 1 | 1 | 8 | 6 | 2 |
| 28. | 5A311601 | Фойдали қазилма конларини қазиш (қазиш усуллари бўйича) | 8 | 2 | 1 | 1 | 6 | 4 | 2 |
| 29. | 5A311602 | Шахта ва ер ости муҳандислиги (маркшейдерлик иши) | 7 | 2 | 2 | | 5 | 3 | 2 |
| 30. | 5A311603 | Фойдали қазилмаларни бойитиш (қазилма турлари бўйича) | 4 | 1 | 1 | | 3 | 1 | 2 |
| 31. | 5A311701 | Фойдали қазилма конлари геологияси, қидирув ва разведкаси (кон турлари бўйича) | 10 | 2 | 1 | 1 | 8 | 5 | 3 |
| 32. | 5A311702 | Нефть-газ конлари геологияси | 4 | 1 | 1 | | 3 | 2 | 1 |
| 33. | 5A311706 | Нефть ва газ конларини қидирув-разведка ишларининг геофизик методлари | 4 | 1 | 1 | | 3 | 2 | 1 |
| 34. | 5A311707 | Кончилик геологияси ва геофизикаси | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 35. | 5A311709 | Нефть ва газ конларини қидирув ва разведкаси | 4 | 1 | 1 | | 3 | 2 | 1 |
| 36. | 5A311801 | Гидрогеология ва муҳандислик геологияси | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 37. | 5A311901 | Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш | 4 | 1 | 1 | | 3 | 2 | 1 |
| 38. | 5A312001 | Нефть ва газ қувурлари, база ва омборларини қуриш ва улардан фойдаланиш | 4 | 1 | 1 | | 3 | 2 | 1 |
| 39. | 5A312101 | Энергоаудит ва саноат корхоналарининг энергетик текшируви | 4 | 1 | 1 | | 3 | 2 | 1 |
| 40. | 5A312201 | Кончилик машиналари ва жиҳозлари | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 41. | 5A312401 | Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 42. | 5A312501 | Энергия машинасозлиги (тармоқлар бўйича) | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 43. | 5A312601 | Мехатроника ва робототехника | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 44. | 5A312701 | Интеллектуал муҳандислик тизимлари | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 45. | 5A312801 | Қуймакорлик ишлаб чиқариши технологияси (турлари бўйича) | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 46. | 5A312901 | Лазер технологиялари ва оптоэлектроника | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 47. | 5A312902 | Ёруғлик-диод технологиялари | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 48. | 5A313001 | Тиббий-биологик аппаратлар, тизимлар ва мажмуалар (қўлланиш соҳаси бўйича) | 6 | 2 | 1 | 1 | 4 | 3 | 1 |
| 49. | 5A320101 | Материалшунослик ва материаллар технологияси (тармоқлар бўйича) | 7 | 2 | 1 | 1 | 5 | 4 | 1 |
| 50. | 5A320201 | Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари (ишлаб чиқариш бўйича) | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 51. | 5A320206 | Машинасозликда технологик жараёнлар ва тизимларни автоматлаштириш | 7 | 2 | 1 | 1 | 5 | 3 | 2 |
| 52. | 5A320207 | Металл кесиш дастгоҳлари ва ускуналари | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 53. | 5A320208 | Металларга босим билан ишлов бериш | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 54. | 5A320303 | Совитиш, криоген техникаси ва мўътадиллаш тизимлари машиналари ҳамда агрегатлари | 5 | 1 | 1 | | 4 | 3 | 1 |
| 55. | 5A320309 | Нефть-газ саноати машиналари ва жиҳозлари | 4 | 1 | 1 | | 3 | 2 | 1 |
| 56. | 5A320313 | Тиббиёт ва биотехнология машиналари ва жиҳозлари | 5 | 1 | 1 | | 4 | 3 | 1 |
| 57. | 5A320317 | Металлургия машина ва жиҳозларидан фойдаланиш ва таъмирлаш | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 58. | 5A321401 | Кимёвий ва нефть-газкимёвий технологиялар | 4 | 1 | 1 | | 3 | 2 | 1 |
| 59. | 5A321901 | Электрон аппаратуралар ишлаб чиқариш технологияси | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 60. | 5A321902 | Электроника саноати технологик машиналари ва жиҳозлари | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 61. | 5A350703 | Радиотехник қурилмалар ва алоқа воситалари | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 62. | 5A430102 | Қишлоқ хўжалик техникасини лойиҳалаштириш ва конструкциясини ишлаш | 4 | 2 | 2 | | 2 | 1 | 1 |
| 63. | 5A610101 | Хизматлар соҳаси (автомобиль транспорти) | 4 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 |
| 64. | 5A620201 | Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш ва аэронавигация | 4 | 1 | 1 | | 3 | 1 | 2 |
| 65. | 5A630101 | Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 4 | 1 | 1 | | 3 | 1 | 2 |
| 66. | 5A640101 | Меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар хавфсизлиги (тармоқлар бўйича) | 4 | 1 | 1 | | 3 | 2 | 1 |

**Ҳужжатлар жорий йилнинг 1 июлидан 31 июлигача қабул қилинади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2-уй.**
**Маълумот учун телефонлар: (0-371) 246-46-00, 246-98-12.**

